

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ АХБОРОТ ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ

Абдуҳакимова Наргиза Абдимурод қизи

ИИБ Академияси 314-гуруҳ курсанти

Аннотация: *Ушбу мақола орқали муаллиф ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш ҳамда барҳам бериш жараёнида профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳамда уларнинг натижаларини расмийлаштириш, шу орқали профилактика инспектори томонидан ўзига бириктирилган ҳудудда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг статистикасини ишлаб чиқиш, унга қарши курашда этибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар тўғрисида маълумотлар, айти жараянда юзага келаётган муаммо, камчиликлар, уларга барҳам бериш юзасидан таклифлар ва илмий таҳлилларни келтириб ўтган.*

Калит сўзлар: *профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика инспектори томонидан ўзига бириктирилган ҳудудда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг статистикасини ишлаб чиқиш.*

Аннотация: *Посредством данной статьи автор описывает работу, проводимую инспектором-профилактиком в процессе предупреждения, пресечения и устранения нарушений, а также оформления их результатов, тем самым формируя статистику нарушений, допущенных инспектором-профилактиком в закрепленной за ним сфере, и аспекты, на которые следует обратить внимание в борьбе с ним, данные, проблемы, возникающие в том же процессе, недостатки, предложения и научные анализы по их устранению.*

Ключевые слова: *предупреждение инспектором-профилактиком правонарушений, формирование статистики правонарушений, допущенных инспектором-профилактиком на закрепленной за ним территории.*

Annotation: *Through this article, the author describes the work carried out by the preventive inspector in the process of preventing, combating and eliminating violations, as well as formalizing their results, thereby developing statistics of violations committed by the preventive inspector in the area assigned to him, and the aspects that should be paid attention to in the fight against it. data, problems arising in the same process, shortcomings, suggestions and scientific analyzes regarding their elimination.*



Keywords: *preventive inspector's prevention of violations, development of statistics of violations committed by the preventive inspector in the territory assigned to him.*

Kirish.

XXI аср – ахборот ва ахборот технологиялари асридир. Бугунги кунда ахборотдан фойдаланувчилар доираси кенгайиб, у нафақат анъанавий истеъмолчилар, яъни ахборот-таҳлил марказлари, оммавий ахборот воситалари, хавфсизлик идораларининг, балки жамият аъзоларининг ҳам манфаатлари объектига айланмоқда. «Ахборот жамияти»ни шакллантириш жараёни юз бермоқда ва ахборот ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Жамиятни ахборотлаштириш орқали ахборот оқимларини бошқариш тизимларида ҳамда сиёсий қарорларнинг қабул қилинишини ахборот-таҳлилий таъминлаш механизмида сифат ўзгаришларига эришилмоқда.

Асрлар оша ҳаётнинг барча жабҳаларида ахборотнинг аҳамияти нақадар ортиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Авваллари у асосан оғзаки шаклга эга бўлган бўлса, кейинчалик ёзма ҳолга келди. Бугунги кунга келиб биз механик, математик, электромагнит ва шу каби бир қанча турдаги ахборот ташувчилар воситасида иш юритмоқдамиз.

Биз ахборотлаштиришнинг шундай бир даврида яшамоқдамизки, унда ҳар бир халқнинг кун сайин ўсиб бораётган ахборотни «жиловлаш» – тизимга солиш ва таҳлил қилиш салоҳияти унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеини белгилаб беради.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ахборот ҳокимиятнинг асосий воситаларидан бирига айланди. Бу ҳол инсон онгининг ахборотни сингдиришга мойиллиги кашф этилгандан буён давом этмоқда. Ўз ўрнида у (ахборот) узоқ вақтлар бошқарув қуроли бўлиб хизмат қилган куч ва зўравонлик ўрнини эгалламоқда. АҚШнинг собиқ президентларидан бири Ричард Никсон Хавфсизлик Кенгашининг йиғилишида бюджет масалалари бўйича чиқишида эътироф этганидек, «ахборот ва ташвиқотга сарфланган 1 доллар қурол-яроғ тизимини яратишга кетган 10 доллардан самаралироқ, чунки ахборот қуролдан фарқли ўлароқ ҳар доим ва ҳар жойда ишлатилади».

Хулоса

Демак, ахборот фавқулудда муҳим ва қимматли бўлган маҳсулотлар сирасига кирди. Ҳозирги кунда уни ҳатто юксак технология маҳсулотларига қиёсламоқдалар. Баъзан ахборотни энг юксак технология маҳсулоти билан



қиёслайдилар. Бироқ бизнинг назаримизда ахборот қадриятлар иерархиясида янада юқориқ маънога эга. Ушбу ўринда кенг тарқалган «ким ахборотга эга бўлса, ўша вазиятни бошқаради» ибораси ўз ўрнида ишлатилганлигига иқдор бўламиз.

Шундай бўлсада, ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширишда ҳам материалларни эмас, балки муҳим маълумотларни йиғиш, уларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда олинган натижаларни тегишли идора ва мансабдор шахсларга ўз вақтида етказишга қаратилган мураккаб жараён дур. Фактлар алоҳида олинганда катта аҳамият касб этмайди. Ушбу ҳолатда маълумотларни йиғиш ва уларни таҳлил қилишнинг усул ва услубларидан малакали фойдалана олишнинг муҳимлиги намоён бўлади. Ахборот-таҳлил фаолиятини такомиллаштарининг ҳал қилувчи омилни ушбу ҳолат билан изоҳлашимиз мумкин. Чунки тайёрланаётган таҳлилий ҳужжатларнинг сифати аввало, таҳлилий фаолиятни амалга оширувчи ходимнинг ахборот-таҳлил иши кўникмаларини қанчалик яхши эгаллаб олганлиги ва улардан моҳирона фойдалана олиши даражаси билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари: Дарслик / И.Исмаилов, Д.С.Мухамадалиев, Э.У.Азизов; масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 561 б.

2. Ахборот-таҳлил фаолияти асослари: Ўқув қўлланма / Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. ва бошқ. – Т., 2015. – 78 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

